Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 27 ноябрь жума

Сотувда эркин нархда

№ 234 (2015)

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон буюк келажак сари" китобини ўрганиш ва уни мактабларда ўқитиш бўйича семинар ўтказди.

Унда шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ходимлари, пойтахт мактабларининг тарих ўқитувчилари, халқ таълими бўлимларининг фан услубчилари иштирок этди.

Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда бўлиб ўтган бу тадбирни шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Х.Йўлдошев очиб, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги йўлбошчимиз асарини ўрганиш бўйича махсус курс дастури ишлаб чиққанлигини маълум қилди. Тарих фанлари доктори Қ.Усмонов дастур бўйича асарни ўқитиш услублари ҳақида сўзлади.

Семинарда сўзга чиққанлар юртбошимизнинг асарида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни изчил амалга ошириш борасидаги долзарб масалалар баён этилгани, шу боис уни мактабларда ўрганиш айни муддао эканини таъкидладилар.

(ЎзА)



Ер ҳайдасанг, куз ҳайда

ЮТУҚЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги «Шўрўзак» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб, давлат бюртмасини ошириб бажарган эдилар. Айни кунларда бу ерда ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида келгуси йил ҳосилига пухта замин яратилаяпти. Кузги-қишки агротехника тадбирлари Вазирлар Маҳкамаси қарори талаблари асосида жадал ва сифатли ўтказилмоқда. 8 та «Олтой», битта «Магнум» ва шунча «Кейс» тракторлари ёрдамида ер 35-40 сантиметр чуқурликда шудгор қилинаётир. Ҳайдовчилар учун эса етарли шарт-шароит муҳайё.

СУРАТЛАРДА: ширкатлар уюшмаси раиси Абдурашид Синдоров ва механик Муҳиддин Холмуродов иш сифатидан мамнун; ерни шудгорлаш пайти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Олий Мажлис XIII сессияси олдидан

АНИҚ ИФОДАЛАШ ЛОЗИМ

Маълумки, олдинги сессияда "Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодекси"нинг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган эди.

Мазкур Кодекс лойиҳаси ўн учинчи сессия кун тартибига (иккинчи ўқишда) киритилган. Лойиҳа билан танишар эканман, унга баъзи аниқликлар киритиш зарурдай туюлди.

Жумладан, лойиҳанинг 18-моддаси уй-жой бинолари ва уй-жойларни уй-жой фондидан чиқариш, деб кўрсатилган. Ушбу моддага уй-жой мулкчиликнинг қайси турига тегишлилиги бўйича аниқлик киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ёки давлат томонидан текинга уй-жой бериш ҳақидаги 19-моддага қуйидаги мазмунда 2-қисм киритилиш зарур деб ўйлайман: **"Маҳаллий давлат бошқарув идораларининг айби билан уй-жой қуриш учун қурилиш талабларига жавоб бермайдиган ер майдони ажратилиши натижасида қурилган уй-жойларнинг авария ҳолатига келганлиги учун фуқаро кўрган зарарни тўлалигича қоплаш шу идоралар зиммасига юклатилади".**

Лойиҳанинг аниқ мақсадли комунал уй-жой фондининг биносидан уй-жой олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифалари ҳақидаги 40-моддасини **"1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар ва байналмилалчи жангчилар"** деган жумладан кейин **"Чернобиль АЭСи аварияси-да қатнашган шахслар"** деб қўшимча киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фуқароларнинг муниципиал ва идоравий уй-жой фонди биноларидаги уй-жойини мулк қилиб сотиб олиши тўғрисидаги 47-моддани қуйидаги таҳрирда ўзгартиришни таклиф қиламан: **"Муниципиал ва идоравий уй-жой фондидаги ижарага олиш ёки ижара шартномаси билан ижарага олувчининг, ижарачининг ўзи эгаллаб турган ижарага олган уй-жойни сотиб олиш ҳуқуқи белгиланиши тақиқланади».**

Кодекс лойиҳасида "бошқа тарзда", "бошқача бузилишлар" деган жумлалар деярли барча моддада ишлатилган. Ушбу умумий кўринишдаги жумлаларни аниқ сўзлар билан ифодалаш лозим, деб ҳисоблайман.

Уй-жой кодекси лойиҳасидаги 77,81-моддаларда кўрсатилган мажбурий ва маъмурий тартибда кўчириши лозим бўлган ижарачиларни қиш мавсумида кўчириш муддатини кечиктириш масаласини кўриб чиқишни таклиф қиламан.

Э. ИНОЯТОВ, биринчи даражали адлия маслаҳатчиси.

ШОЛИЧИЛИК БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги Ўзбекистон Шоличилик илмий тадқиқот институтида "Шоли ва дуккакли дон етиштиришни ривожлантириш истиқболлари: нав яратиш, уруғчилик, янги технологияларни жорий этиш" мавзуидаги халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Анжуманни республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва Шоличилик илмий тадқиқот институти ташкил этди. Унда республикамиз шоликорлари билан бир қаторда Қозоғистон, Жанубий Корея, Германия ва бошқа мамлакатлар вакиллари ҳам қатнашди.

Мамлакатимизда дон мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шоличиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада жанубий кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда шолини кўчат қилиб экиш тажрибаси яхши самара бераётир.

Анжуманда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг шоличилик селекцияси, уруғчилиги ва технологияси соҳасидаги тажрибалари умумлаштирилди, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тадбирлари белгиланди.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

МУНОСИБЛАР САЙЛАНАДИ

Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Қумқўрғон туманларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар эркин, ҳуқуқий демократик жамият қурилишида алоҳида ўринга эга бўлган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар бошқарувига эл орасида ҳурмат-эътиборли, ташкилотчи ва тадбиркор кишилар сайланиши зарурлигини қайд этдилар. Сайловларни юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ч.ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.

МАЪНАВИЯТ

АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ

Йўлбошчимиз Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раиси саволига жавобларида халқ раҳбарларга эмас, раҳбарлар халққа хизмат қилиши жамиятимизда асосий қоида эканлигини алоҳида уқтирдилар.

Бундан беш йил муқаддам Қизилқум қўйнида жойлашган "Маданият" жамоа хўжалигига йўлим тушиб қолди, кечқурун конимехлик чўпон Ёлғоч Жуматовнинг уйида тунадик. Саратон пайти эди, гарчи қуёш ботган бўлса-да, ҳамон Оқсой тандирдай қизиб турибди. Шунинг учунми, чўпон ҳовлига жой қилди, ҳатто "Рекорд" телевизорини ҳам кўтариб супага олиб чиқди. Дунёнинг бир четида — овлоқ чўл қўйнида ўтириб, мамлакатнинг олис туманларидаги янгиликларни телевизорда кўриш жуда ғалати туюлар экан. "Ахборот" тугагач, йўлбошчимизнинг Парламент минбаридан сўзлаган нутқи берилди. Ёлғоч оға-ку майли, унинг ўғиллари, ҳатто келину қизлари ҳам қалдирғочдай тизилиб телевизорга термулиб олишган, Ёлғоч оға ҳар-ҳар замонда: — Ўҳ-ҳ! — деб қўяди: — Шу гапни жуда вақтида айтдилар-да!..

Йўлбошчимиз куюниб айтаётган фикр ва мулоҳазалар, йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни ёшлар ҳам, кексалар ҳам, бир сўз билан айтганда, халқимиз жон қулоғи билан тинглайди, шундан хулоса чиқариб олишга, эртанги ишларни шу йўл-йўриқлар ўзанига солишга ҳаракат қилади, аммо бевосита ижтимоий ҳаётдаги масъул раҳбарлар-чи?!

Ўшанда конимехлик бородаримиз куюниб шундай деган:

— Йўлбошчимизнинг ҳар бир чиқишини канда қилмай кузатиб борамиз. У кишининг гаплари ҳамиша бизга далда бўлади, қиладиган ишимизни шундан келиб чиқиб белгилаймиз, лекин оёғи узангида бўлган одамлар шуни кўрмайди-да. "Давр кеп қопти, оёқни узати-иб бир даврон сурайлик!», дейдими, ҳали тўйда, ҳали зиёфатда... Дунёда нима ишлар бўлаётганидан бехабар...

(Давоми 3-бетда).

ИСЛОҲОТ МЕВАЛАРИ

ПУЛ ДЕГАНИ... ШАФТОЛИ ЭМАС

Бир хўжаликнинг раиси мақтанди. Деҳқонларимизнинг иш ҳақига деб фалон тонна шафтоли, бодринг тақсимлаб бердик, деди.

Бу гапни мен Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалиги раиси Бахтиёр Қурбоновга айтгандим, раис ўша мақтанчоқ ҳамкасбининг устидан кулгандай бўлди. Айтдики, шафтоли дегани — пул эмас. Шафтолини айрибош қилмоқ учун бозорга чиқариб бўлмайди.

— Демак, сиз...

— Ҳа, биз ҳар бир ишловчига ойига 2 минг сўмдан нақд пул бериб борамиз, — деди раис.

— Банк билан муомалангиз яхши эканда...

— Банкнинг бошлиғи катта холамнинг ўғли эмас, - деди Қурбонов яна кулиб. — Пулни биз топамиз. Айтайлик, пиёз экиб сотдик. — 2 миллион сўмлик пиёз пулини иш ҳақи қилиб бердик. Бозоримиз бор. — Йилига 700 минг сўмча нақд пул хазинамизга тушади. Яна шунча даромад пуллик хизматдан... Бултур пахтамиздан 36 фоиз тола чиқди. 22 миллион сўм тола пули олдик.

Тўғри, бизда ҳам иш ҳақига буғдой, пахта мойи, шифер, цемент берилаяпти. Лекин, нақд пул, биласизми, қўлни қизитади...

«Халқобод»ликларнинг кўнгли илиб, қўли қизиб ишлаётганига далолат шуки, улар бу йил йигирма беш иш кунида давлатга пахта сотиш шартномасини бажаришди. 618 гектарнинг ҳар гектаридан қарийб 40 центнердан ҳосил олишди. Олланазар Тангирбердиев, Тайлоқмурод Жўмартов сингари сувчию механизаторларнинг ойлик маошига 10-12 минг сўмдан пул ёзилмоқда.

Яна бир гап. Раис хўжалик аъзоларидан элликтаси «Халқ сўзи»га обуна бўлганини билдирди. Қистовсиз. Ташвиқотсиз.

«Халқобод»да ким билан гаплашманг, бағри кенглик, оғзи бирлик (аҳиллик)дан сўз очишади. Гап орасида бой-бадавлат яшаётганликларини, ижара бўлиб, оилавий пудрат бўлиб ишлаб ёлчиб-ёришиб қолганларини билдиришади.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи»нинг мухбири.

СУБУТСИЗЛИК

Ёхуд Фарғона ва Наманган вилоятларида дон етиштиришдаги хўжасизликлар хусусида

Сохталик ҳам, эгрилик ҳам, турли кўринишдаги жиноятлар ҳам, энг аввало, эгнига алдамчилик тўнини илади, сўнг буқаламунлик сарупосини кияди. Бу сифатлар соҳиби одамларни, элу-юртни алдаётганлигини яхши билади, аммо баъзи бир манфаатлар, кўрқувлар ва ҳатто гоҳида тазйиқлар остида бу юмушини давом эттираверади. Алалоқибат эса, худди афанди янглиғ, ўзининг алдовига ўзи ҳам ишона бошлайди. Энди у бировни алдамаса, ёлғон ваъдалар бермаса яшай олмайди. Бу ҳолат унинг боши то деворга бориб урилмагунча давом этади ва шундагина унинг ёғ битган қовоқлари очилади.

Бу гапларни ҳавойи деб ўйламанг. Мен буларни кўриб, шундай одамларнинг фаолиятларини текшириб, уларнинг сир-асрорларидан огоҳ бўлиб гапираяпман. Туман ва вилоятлардаги ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг қўлидаги том-том ишлар билан танишиб, шу нарсага амин бўласанки, бу жиноятларни мактаб ўқувчиси ёки ёш мутахассис эмас, балки тажрибали, кўпни кўрган турли тоифадаги раҳбарлар, етакчи мутахассислар амалга ошираяптилар.

Яқинда биз Фарғона ва Наманган вилоятларида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилги бошоқли дон экинларини экиш, етиштириш ва йиғиштириб олиш борасидаги қарорларининг бажарилиши юзасидан текшириш ишлари олиб борганимизда ана шундай ва бундан-да оғирроқ ҳолатларга дуч келдик. Ана шундай манзаралар билан тўқнаш келиб, хўжасизлик, субутсизлик ва ҳатто эл ризқига чанг солиш каби жиноятлар текширилаётган бир пайтда Вазирлар Маҳкамасининг янги қарори қабул қилинди: «1999 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари экишнинг ташкилий чора-тадбирлари, уларни етиштириш ва давлат хариди ҳажмлари тўғрисида».

Илло, бизнинг мақоламиз ҳам ана шулар хусусидадир.

Наманган вилоятида 1997 йилги кузги шудгорлаш ишлари агротехника талабларига хилоф равишда кечиктирилган. Шудгорланиши белгиланган 108 минг гектар майдон Норин, Наманган, Янгиқўрғон, Мингбулоқ, Тўрақўрғон, Косонсой, Уйчи, Учқўрғон, Чуст, Поп ва Чортоқ туманларида ўтган йилнинг 5-28 декабрига қадар ўтказилган. Фарғона вилоятида эса бу тадбир 100 кунга чўзилган. Ҳатто 64621 гектар майдонга уруғ ғўзапоядан тозаланмасдан экилган.

Маълумки, сара уруғ — ҳосил гарови. Бироқ бу вилоятларда уруғчилик ишларида ҳам боқибеғамлик кўзга ташланади. Наманганда бошоқли дон ҳосилидан 4,5 минг тонна уруғлик тайёрланиши лозим эди. Амалда эса қарийб 1000 тонна «Скифянка» уруғлиги, Мингбулоқда 2587 га, Учқўрғонда 1115 га, Чортоқда 1124 га, Чустда 2433 га ва Янгиқўрғон туманида 1640 гектарга кам экилди. Натижада бошқа навлар экилиши лозим бўлган майдон ҳажмлари 12,5 минг гектарга кўпайиб кетди. Кўряпсизми, боқибеғамлик қинғирлик эшигини очиб бераяпти, яъни бир жиноят иккинчи жиноятни бошлаб келаяпти.

Хўш, бу ёғи нима бўлди денг? Энди «Намангандонмаҳсулот» акциядорлик уюшмаси ўз фаолиятини бошлаб юборди. Али бўлмаса — Вали, Эшмат бўлмаса — Тошмат. «Скифянка» бўлмаса — товар дон! Хуллас, Попдаям, Чортоқдаям, Чустдаям, деярли барча туманларда 4,7 минг тонна, яъни 78 млн. сўмлик товар дон уруғлик сифатида ўтган йилнинг октябридан жорий йилнинг январь ойларида экилди.

Фарғонанинг Қува, Олтиариқ, Риштон ва Тошлоқ туманларида 412 тонна уруғ кондициясиз ҳолатда сепилган. Режага мувофиқ бир гектар майдонга 250 кг. дан уруғ сепилиш лозим эди. Бу кўрсатгич Фарғона шаҳрида 201 кг., Сўхда 208 кг., Бағдодда 213 кг., Қувада 226 кг.ни ташкил этган.

Қўлдаги ҳар қайси бармоқнинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Улар яхлит бўлиб бирлашганда қудратли зарба ҳосил бўлади. Деҳқончиликда ҳам шундай. Қачонки барча агротехник тадбирлар бараварига амалга оширилганда мақсад ҳосил бўлиши мумкин. Афсуски, ҳар иккала вилоятда бу амаллар тўла-тўкислигича амалга оширилмади, бу ҳолатда ҳам кўзбўямачиликка йўл қўйилди. Аниқроғи, Вазирлар Маҳкамасининг дон экишдан олдин ерга минерал ўғитлар билан ишлов бериш борасидаги талаблари бузилди. Фарғона вилоятида ўтган йили 1 октябргача 9 минг тонна фосфорли ўғит олиб келтирилиши лозим эди. Аммо улар бу вақтда бор-йўғи 3961 тонна ўғит ғамлашди, холос. Калийли ўғитлар ҳам 3,6 минг тоннага кам келтирилган. Режага мувофиқ, дон экишдан олдин ҳар бир гектар майдонга 100 кг. фосфорли, 50 кг. калийли ўғит солиниши лозим эди. Бироқ вилоятда ҳар бир гектар бошоқли дон майдонига 42 кг. фосфорли, 26 кг. калийли ўғит сепилган.

Бу ҳолат Наманган вилоятида ҳам мавжуд. Мингбулоқ, Поп, Уйчи туманларининг 42 та хўжалигига фосфорли ўғит 41, 45 ва 43 фоиз етказиб берилган. Улар калийли ўғитдан мутлақо фойдаланишмаган. Шулар боис бўлса керакки, вилоятдаги хўжаликларнинг 137 таси дон ишлаб чиқариш, 52 таси давлатга дон сотиш режаларини бажармаган. Шундай бўлишига қарамасдан вилоят бўйича 21,3 минг тонна, шу жумладан, санацияга тавсия этилган 8 та хўжаликнинг 7 таси дон ишлаб чиқариш, 3 таси эса давлатга дон сотиш режаларини бажармаса-да, жами 657 тонна ҳосилни натура билан ҳақ тўлаш ҳисобига чиқариб юборганлар. Умуман, агротехника қоидаларига зид иш тутиш, техникадан унумли фойдаланмаслик ва бошқа камчиликлар туфайли вилоятда ҳосилдорлик 30,6 центнерни ташкил этди. Бу режага нисбатан 14,4 центнерга камдир. Ҳисоб-китобларга қараганда, ишлаб чиқаришдан олинмаган 115 минг тонна ва давлатга сотилмаган 10 минг тонна дон ҳисобига вилоят хўжаликлари 796,1 млн. ва 121 млн. сўм миқдорида даромад олишолмаган.

Қанчалик боқибеғамлик, кўзбўямачилик қилинмасин, алалоқибат, фактлардан қочиб бўлмайди. Улар жуда ҳам ўжар бўлишади. Фарғона вилоятидан олинган бу рақамларга эътибор бериб кўринг. Вилоятда бошоқли дон ишлаб чиқариш режаси 69,2 фоизга бажарилган. Бешариқ, Бағдод, Ёзёвон, Охунбобоев, Риштон, Фурқат туманлари, умуман вилоятнинг 45 та хўжалиги, яъни хўжаликларнинг 25 фоизи давлатга дон сотиш режасини бажармаган. Шунингдек, фермер хўжаликлари ҳам бу «галаба»га муносиб «ҳисса»ларини қўшганлар. Мавжуд фермер хўжаликларининг 40 фоизи давлатга ғалла сотиш режасини уддалай олмаган.

Вилоят хўжаликлари дон ишлаб чиқариш режаларини 124 минг 685 тоннага бажармаган. Оқибатда ғалладан кутилган 12,5 млрд. сўмлик даромад олинмай қолган. 1998 йил 1 августга қадар вилоят бўйича солиқ ва бошқа тўловлардан боқиманда қарзлар 362 млн. сўмга етган. Дебитор қарзлари эса 2,4 млрд. сўмни, кредитор қарзлари эса 11,4 млрд. сўмни ташкил этади.

Кўряпсизки, субутсизлик, боқибеғамлик, ношудлик туфайли давлат хазинасига тушиши керак бўлган миллионлаб сўмлар ҳавога совурилмоқда. Энг ачинарлиси, халқнинг ризқи тупроқ остида қолиб кетмоқда. Хўжасизлик шу даражага етганки, Тўрақўрғон туманидаги «Агрокимётаъминот» очиқ турдаги акциядорлик жамияти торозибони А. Райимов фуқаро К.Турсунов билан жиноий тил бириктириб 10 тонна минерал ўғитни қалбаки ҳужжатлар билан Қирғизистон Республикасига ноқонуний равишда олиб чиқиб кетаётганда қўлга тушади. Уларку суд ҳукми билан ўз жазосини олди. Аммо уларга шундай шароит яратган маҳаллий раҳбарлар-чи? Тўғри, прокуратура органлари вилоятда дон ишлаб чиқариш, давлатга сотиш ва уруғ жамғариш режаларининг бажарилмасдан қолишига юқорида зикр этилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги, аниқроғи, ҳукумат қарорларининг бу борадаги ижросини таъминлаш бўйича аниқ амалий-ташкилий тадбирлар кўрмаганликлари учун бир қатор туман ҳокимларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор чиқариб, ижро этиш учун вилоят ҳокимларига жўнатишди. Жумладан, Бешариқ тумани ҳокими А. Эҳсонов, Риштон тумани ҳокими М. Зокиров, Ёзёвон тумани ҳокими Х. Комилов, Фурқат тумани ҳокими Б. Абдуллаев (Фарғона вилояти), Мингбулоқ тумани ҳокими М. Раҳматов, Учқўрғон тумани ҳокими Л. Отахонов Янгиқўрғон тумани ҳокими З. Мамажонов ва бошқалар (Наманган вилояти) ана шу рўйхатдаги раҳбарлардир.

Бундан ташқари, ҳар иккала вилоят прокуратура идоралари томонидан 87 та жиноят ишлари қўзғатилган. Шунингдек, юзлаб мансабдор шахслар маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилганлар ҳамда бошқа прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган.

Дарҳақиқат, бу туманларда режа ва амалий иш бир-бирига тўғри келмайди. Киначининг ковуши ўзидан олдин йўрғалар, деганларидек, саъй-ҳаракатлардан кўра ваъда-ю, субутсизлиги анча илгарилаб кетган. Бизнинг сўзларимиз қанчалар аччиқ бўлмасин, бу бор ҳақиқат. Токи, ушбу ҳақиқат ҳар биримизга сабоқ бўлиши, қайта такрорланмаслиги керак.

Зафар ШАМСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғининг муовини, адлия катта маслаҳатчиси.

САОДАТ НОМА

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ИБРАТИ

Хожагон /Нақшбандия/ тасаввуфий тариқатининг XY асрдаги энг йирик машойихи, улкан мутасаввуф донишманд бобокалонимиз Хожа Убайдуллоҳ (Хожа Аҳрор Валий аш-Шоший ас-Самарқандий) 1404 йилда қадимий ва тарихий Шош /Тошкент/ вилоятида таваллуд топган.

Бузургвор Хожамизнинг шогирди аржуманди Муҳаммад Қози ёзиб қолдирган маълумотларга қараганда, Хожа Аҳрор Маҳмуднинг ўғлидир. Хожа Маҳмуд эса Хожа Шаҳобуддиннинг ўғли бўлиб, Хожа Шаҳобуддин уч ё тўрт авлод орқали Хожа Номийга бориб боғланади. Хожа Муҳаммад Номий асли Бағдоддан бўлиб, шофеия уламосининг улуғларидан бўлмиш ва зоҳиру ботин /тасаввуф/ илмларида ўз асрининг нодири ва замонасининг имоми Ҳазрат Шайх Абу Бакр Муҳаммад ибни Али ибни Исмоил Қаффоли Шошийнинг мурити бўлгач, Ҳазратнинг мулозаматли муносабати билан Шошга келиб, бу ерда турғун бўлиб қолган. Хожамизнинг оналари Шайх Довуднинг қизи бўлиб, Хожа Довуд Ҳазрати Шайх Хованди Таҳурнинг ўғлидир. Шайх Хованди Таҳур эса Шайх Умар Боғистонийнинг ўғлидир.

Шайх Қаффоли Шоший ва Шайх Хованди Таҳурнинг муборак қабрлари Тошкент шаҳрида ва Шайх Умар Боғистонийнинг табаррук қабри Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги гўзал Боғистон қишлоғида ҳозир ҳам сақланади. Нақшбандия тарихидан бизларга яхши маълумки, Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандининг замондоши ва яқин дўсти бўлган Шайх Умар Боғистоний ўз ўғли Шайх Хованди Таҳурга шундай деб васият қилган экан: "Таҳур, мулло бўлма, шайх бўлма, сўфи бўлма — мусулмон бўл!"

Ҳазрати Хожа Аҳрор балоғатга етгач, бузургвор бобокалонининг юқоридаги қимматбаҳо васиятининг асл мағзини чақиб берадиган ўзига муносиб пир-муршид /Устод/ қидириб, билимларини яна ҳам оширмоқ ниятида Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларини кезиб чиқади, Ҳиротда беш йилча яшайди. Ўзига ўшандай муносиб донишманд Устод қидириб, яна Туркистон ўлкасига қайтиб келиб, Хожаи бузург Баҳоуддин Нақшбандининг донишманд шогирди Мавлоно Яъқуб Чархий сиймосида топади.

Иккала бузургвор мутасаввиф донишманд, бўлажак Устоду Шогирд Мавлоно Яъқуб Чархий билан Хожа Убайдуллоҳ \Хожа Аҳрор\нинг илк мулоқоти мана бундай бўлган экан. Бу борада Мавлоно Чархийнинг ўзи шундай ёзади: "Хожаи бузург Баҳоуддин Нақшбанд Шайх Умар Боғистонийни бағоят мақтар эдилар. Менинг қўлларимни ушлагил /Хожа Аҳрорга/, чунки Хожа Баҳоуддин деб эдиларки, Яъқуб, сенинг қўлинг, бу менинг қўлимдир. Шундай бўлгач, Сиз Хожа Баҳоуддиннинг қўлларини тутган бўласиз".

Мавлоно Яъқуб Чархий ўзининг донишманд шогирди бўлмиш Хожа Аҳрор Валийга бузургвор Бобокалонининг: "Мулло бўлма, шайх бўлма, суфий бўлма — мусулмон бўл!" деган васиятининг асл моҳияти: "Оддий, пок, ҳалол, заҳматкаш, ватанпарвар ва комил Инсон" бўлишга даъват этилганлигини, бу тасаввуфий таълимотнинг асл-туб масаласи эканлигини очиқ-ойдин айтиб беради.

Шу зайлда Хожа Аҳрор Валий, унинг бир замондоши, ҳиротлик машҳур мутасаввиф донишманд ва шоир Саййид Қосим Анвар таъбирлари билан айтадиган бўлсак, ул мўътабар Зот "ўз замонасининг аъжубаси", "валийлик нури билан жаҳонни ёритувчи", ўлик ва мурда кўнгилларни ўзининг қудсий суҳбатлари шарофати билан тирилтирувчи" бир пурқудрат табаррук Зот бўлиб етишади.

Ҳазрати Жомий, бузургвор Навоий, улуғвор Бобур сингари XY асрнинг буюк сиймолари Хожа Аҳрор Валийни ўзларига пир-муршид деб билганлар. Жомий уни "Туркистондаги Каъбам", "Каъбаи мақсудим" деб улуғласа, Навоий "Муршиди офоқ", деб эъзозлаган. Бобур мирзо эса "Хожалар хожаси", "Васфи таърифида тил қосирдур" деб таърифлаган. Ўз замонасида Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари Бобур мирзонинг падари бузургвори Умаршайх мирзони фарзандим деб атаган эдилар. Ҳазрати Навоий айтганларидек, ўз замонасида Шом /Сурия/дан то Ҳиндгача бўлган улкан мусулмон минтақаси юртларининг барча ҳукмдорлари ул бузургвор зотнинг ҳукми фармонида ва тобеълигида бўлганлар. Демак, Хожа Аҳрор Валий ўзининг қудсияти, сиёсий-ижтимоий ва маънавий таъсири билан XY асрда Ўрта ва Яқин Шарқ улкан мусулмон минтақаси халқларини тахминан 40 йилча тинчлик ва осойишталик шароитида ушлаб тура олган.

Ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг Туркистон халқлари тарихидаги буюк аҳамияти тўғрисида айтадиган бўлсак, 1485 йилда Тошкент яқинида Самарқанд, Тошкент ва Фарғонанинг уч темурийзода ҳукмдори /Султон Аҳмад, Умар Шайх ва Султон Маҳмуд/ ўртасида тахминан 200 минг лашкар тўпланган муносиб пир-муршид /Устод/ қидириб, билимларини яна ҳам оширмоқ ниятида Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларини кезиб чиқади, Ҳиротда беш йилча яшайди. Ўзига ўшандай муносиб донишманд Устод қидириб, яна Туркистон ўлкасига қайтиб келиб, Хожаи бузург Баҳоуддин Нақшбандининг донишманд шогирди Мавлоно Яъқуб Чархий сиймосида топади.

Иккала бузургвор мутасаввиф донишманд, бўлажак Устоду Шогирд Мавлоно Яъқуб Чархий билан Хожа Убайдуллоҳ \Хожа Аҳрор\нинг илк мулоқоти мана бундай бўлган экан. Бу борада Мавлоно Чархийнинг ўзи шундай ёзади: "Хожаи бузург Баҳоуддин Нақшбанд Шайх Умар Боғистонийни бағоят мақтар эдилар. Менинг қўлларимни ушлагил /Хожа Аҳрорга/, чунки Хожа Баҳоуддин деб эдиларки, Яъқуб, сенинг қўлинг, бу менинг қўлимдир. Шундай бўлгач, Сиз Хожа Баҳоуддиннинг қўлларини тутган бўласиз".

Мавлоно Яъқуб Чархий ўзининг донишманд шогирди бўлмиш Хожа Аҳрор Валийга бузургвор Бобокалонининг: "Мулло бўлма, шайх бўлма, суфий бўлма — мусулмон бўл!" деган васиятининг асл моҳияти: "Оддий, пок, ҳалол, заҳматкаш, ватанпарвар ва комил Инсон" бўлишга даъват этилганлигини, бу тасаввуфий таълимотнинг асл-туб масаласи эканлигини очиқ-ойдин айтиб беради.

Шу зайлда Хожа Аҳрор Валий, унинг бир замондоши, ҳиротлик машҳур мутасаввиф донишманд ва шоир Саййид Қосим Анвар таъбирлари билан айтадиган бўлсак, ул мўътабар Зот "ўз замонасининг аъжубаси", "валийлик нури билан жаҳонни ёритувчи", ўлик ва мурда кўнгилларни ўзининг қудсий суҳбатлари шарофати билан тирилтирувчи" бир пурқудрат табаррук Зот бўлиб етишади.

Ҳазрати Жомий, бузургвор Навоий, улуғвор Бобур сингари XY асрнинг буюк сиймолари Хожа Аҳрор Валийни ўзларига пир-муршид деб билганлар. Жомий уни "Туркистондаги Каъбам", "Каъбаи мақсудим" деб улуғласа, Навоий "Муршиди офоқ", деб эъзозлаган. Бобур мирзо эса "Хожалар хожаси", "Васфи таърифида тил қосирдур" деб таърифлаган. Ўз замонасида Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари Бобур мирзонинг падари бузургвори Умаршайх мирзони фарзандим деб атаган эдилар. Ҳазрати Навоий айтганларидек, ўз замонасида Шом /Сурия/дан то Ҳиндгача бўлган улкан мусулмон минтақаси юртларининг барча ҳукмдорлари ул бузургвор зотнинг ҳукми фармонида ва тобеълигида бўлганлар. Демак, Хожа Аҳрор Валий ўзининг қудсияти, сиёсий-ижтимоий ва маънавий таъсири билан XY асрда Ўрта ва Яқин Шарқ улкан мусулмон минтақаси халқларини тахминан 40 йилча тинчлик ва осойишталик шароитида ушлаб тура олган.

Ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг Туркистон халқлари тарихидаги буюк аҳамияти тўғрисида айтадиган бўлсак, 1485 йилда Тошкент яқинида Самарқанд, Тошкент ва Фарғонанинг уч темурийзода ҳукмдори /Султон Аҳмад, Умар Шайх ва Султон Маҳмуд/ ўртасида тахминан 200 минг лашкар тўпланган салкам 90 йиллик узоқ, шарафли ва ҳайратомуз ҳаёти даврида Туркистон халқлари учун юқоридагидек ҳайрли ва савобли юмушларни кўп марталаб анжомига етказганлар.

Ҳазрати Хожамиз ҳам насаб, ҳам иродат силсилалари томонидан Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо /с.а.в./га бориб пайваст бўладилар, шажараси Расулуллоҳ халифаларидан ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, ҳазрати Умар ва ҳазрати Алига бориб туташади.

Хожа Аҳрор Валий ўзининг узоқ умри давомида Самарқанд, Бухоро, Шош, Балх, Ҳирот, Термиз, Марв каби шаҳарларда бўлиб, Мирзо Улуғбек,Саййид Қосим Анвар, Низомуддин Хомуш, Саъдуддин Қошғарий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, султон Абу Саъид мирзо, султон Аҳмад мирзо сингари ўз даврининг улуғ тарихий, ижтимоий-сиёсий, илмий-тасаввуфий сиймолари билан кўришган ва ҳамсуҳбат бўлган. Ўзидан кейинги авлодларга у "Рисолаи ҳавория", "Римолаи волидия", "Фикратул-орифийн", "Воридот" каби қимматбаҳо асарлар ёзиб қолдирган.

Ҳазрати Эшонимиз Хожагон /Нақшбандия/ тариқатининг XY асрдаги энг йирик машойихи сифатида мазкур таълимотни энг баланд тараққиёт даражасига олиб чиқди, айтиш мумкинки, бу тариқатни 180 даражада буриб юборди. Ушбу тариқатнинг Ҳамадоний, Ғиждувоний, Нақшбанд каби раҳнамолари ўз даврларидаги ҳукмдорлардан узоқ турган бўлсалар, Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари ўз давридаги ҳукмдорларга нафақат яқин турди, Ҳазрати Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Шомдан то Ҳиндгача бўлган мусулмон минтақаси мамлакатларининг ҳукмдорлари "Он Ҳазратнинг ҳукми фармонида ва тобеълиғинда" бўлдилар.

Ўзининг бундай ҳайратомуз ва хайрли мавқеъини тушунтириб, Ҳазрати Хожамиз айтганлар: "Биз золимлар шарридан мусулмонларни халос этмоқ учун ҳукмдорлар билан ихтилот қилишга /мулоқотда бўлишга/ киришдик".

Бузургвор Хожамизнинг асосий инсонпарварлик ғояси унинг мана бу ҳикматли сўзларида очиқ-ойдин баён этилган: "Улуғлар айтганларким, қайси юракда халқ ғами бўлмаса, уни кесиб олиб, итлар олдига ташлаш лозим. Чунки ундай қалб (юрак) оддий гўшт парчасидек ҳайвон юрагидан ҳеч қандай фарқи бўлмайди".

Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ /Хожа Аҳрор Валий/ 1494 йилнинг кеч куз кунларидан бирида Самарқанднинг Камонгарон қишлоғида, беш ойи кам 90 ёшларида бу ёруғ дунё билан видолашганлар.

Мовароуннаҳр ва Хуросондаги бирталай юртларда покнажод Аҳрорийлар сулоласи ҳали ҳам давом этиб келади. Сайқали рўйи Заминимиз гўзал ва тарихий Самарқанд шаҳрининг Намозгоҳ гузарида Аҳрорийлар сулоласининг бир гуруҳ вакиллари яшамоқдалар. Аҳрорхон Усмонов хонадони сулола маркази десак, муболаға бўлмайди. Аҳрорийлар сулоласи Андижон шаҳрида ҳам истиқомат қилишмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи марҳум Султонхон Тўраҳонов узоқ йиллар халқ маорифи соҳасида астойдил хизмат қилдилар. Минглаб ёшларга таълим бердилар. Ҳозирги кунда у киши номидаги ўрта мактабда азиз фарзанди Лермонхон Тўраҳонов раҳбарлик қилмоқда. Султонхон домланинг рафиқаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Хосиятхон Болтабоева эса 40 йил муаллимлик қилиб, ҳозир нафақада, мактаб ўқитувчилари билан тез-тез учрашиб турадилар. Фақирнинг рафиқаси ва фарзандлари ҳам Хожи Аҳрори Валий ҳазратлари авлодларига мансубдир. Шу сулолага мансуб кишилар яна Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Боғистон қишлоғида, Жиззах вилоятининг Сарбозор қишлоғида ва Чимкент шаҳрида ҳам истиқомат қилиб келаётирлар. Аҳрорийлар сулоласи яна Афғонистоннинг шимолий вилоятларида ҳам яшайдилар.

Султонхон Адо, Нақибхон Тўғрал каби ажойиб истеъдодли шоирлар ҳам Аҳрорийлар сулоласининг ижодкор вакиллари сифатида Самарқандда яшаб ўтганлар. Камина эса Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг ҳайратли ҳаёти ва хайрли аъмоли хусусида "Ҳайратул Аҳрор" достонини битиб, "Янги Хамса"га киритдим. Шўро тузуми даврида илм-фанда, бадиий адабиётда Хожа Аҳрорга нисбатан ҳақиқатга хилоф равишда шакллланган қарашларга муносабатимни ифода этдим. Зеро, XY аср — Алишер Навоий ва Хожа Аҳрор асридир.

Шундай қилиб, тарихимиздаги энг ёрқин, энг нурафшон "олтин аср" бўлмиш XY юз йилликнинг якгоси, муқтадоси, "Туркистон Каъбаси", "Муршиди офоқ" деган юксак номлар билан ўз даврида ҳақли равишда эъзозланган бузургвор Шайхимиз Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари нафақат Ота юртимиз Туркистон, балки Хуросон, қолаверса, бутун улкан мусулмон минтақасидаги миллион-миллион мўмин мусулмон халқларнинг эъзозида, онги ва қалбида, мана, беш асрдан бери яшаб келаётир ва абадий яшаб қолажак.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида таъкидлаганидек: **"Бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. "Шайхлар шайхи" деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз".**

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби.

ҚОҒОЗГА ТЎКИЛГАН УМИДЛАР

«Ўғлимга мактублар» китобидан

Одам ёш бўлиши мумкин. Агар унинг нигоҳлари ҳорғин, қарағида мум қотган бўлса, болам, бу одамнинг ёшини суриштирма. Кекса, бироқ кўзлари чарақлаб турган қария мендан кўра ёшроқ десам, гапларимга ишон.

Инсонни йиллар эмас, йўллар қаритади.

Инсонни куйлар эмас, ўйлар қаритади.

Ўғлим, Инсонни урушга ташлашдан олдин, унинг юрагини кесиб олишлари, сўнгра руҳиятини ўлдириб, карахт қилишлари керак. Токи, ҳаяжонланмасин. Токи у фожиани англамасин. Совуқ манзараларни сира хотирлай олмасин.

Жилла қурса, урушга бораётган одам шоир бўлмаслиги керак.

...Ҳа, ўғлим кўраяпсанми, ёшлик ҳақида гапириб бошқа томонга чалғиб кетдим. Хуллас, мендан ёшимни сўрама.

* * *

Ўғлим, мен совуққон одамларни яхши кўраман. Улар беписанд бўлишади.

Ҳароратли совуқ руҳ уфуриб турган асарларни севаман.

Улар совуққонлик билан ёзилганлиги учун ҳам ҳароратли.

Хемингуэй, Ремарк, Быков, Войнич, Холмирзаев... китоблари ёлғондан ҳазар қилади.

Улар ҳаёт ҳақида ёзмайдилар — гапириб берадилар.

Уларнинг тафаккур нуқталарини қандайдир бир ришта боғлаб туради. Бир-бирига ўхшайдилар.

Ўғлим, совуққонлар ҳақиқатни кўрқмай айтадилар...

Мен ана шундай кўрс, бироқ ҳаётни беписанд ҳикоя қиладиган буюклар асарларини ўқишни истайман.

* * *

Ўғил отанинг изидан боргани яхши дейишади. Аммо мен кўрган кунларни сен кўришингни хоҳламайман. Агар буюк адиб Чингиз Айтматов айтгани каби болалиги фожиа билан кечган одам ёзувчи бўлса, мен сенинг ёзувчи бўлмаслигингни Оллоҳдан ўтиниб сўрайман.

Таржимаи ҳолинг тун билан эмас, кун билан ёзилишини истайман.

* * *

Дунёни қайғу уммонида чўктириб адабиётнинг сочини оқартган энг оғир мавзу — уруш ҳақида ёзаётган ёзувчи улуғ Хемингуэйнинг, Инсонни енгиб бўлмайди, деган гапини ёдга солади.

* * *

Хемингуэйдан Ўткир Ҳошимовгача бўлган масофа бир кўнгил оралиғича яқин. Ўзбек ёзувчиси қандайдир урушда қатнашмасдан туриб уруш ҳақида зўр асар ёзиш мумкинлигини исбот этди. «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» китобини ёзиш учун ёзувчи кўп маротаба ўлиб-тирилиши керак. Урушнинг ўқлари юрагини яралаган ёзувчи эплайди буни.

Энг муҳими, шу!

* * *

Ўғлим, сендан Ремарк чиқмайди. Чиқмаганиям яхши. Нима қиласан юрагингни азоблаб. Зўр шоир бўлиш учун «Биринчи муҳаббатим»-дай зўр шеър ёзиш керак. Уни қўшиқ қилиб айтган катта ҳофиздай қудратли бўлмасанг, санъатнинг йўлидан юрма. Катта шоир ҳам ўтади — «Биринчи муҳаббатим» деган шеър қолади. Катта ҳофиз ўтади — «Биринчи муҳаббатим» деган қўшиқ қолади. Демак, катта шоир ҳам, катта ҳофиз ҳам бу дунёда қуй бўлиб, қўшиқ бўлиб боқий қолади...

Сен шуни эплай оласанми?

* * *

Урушга мойиллик сезган, уруш тарафдори бўлган одамнинг фарзанди бўлиш мумкин. Борингки, Ватани ҳам бордир. Бироқ унинг инсон эканлигига ишониш қийин. Урушни ёвуз одамлар бошлайдилар. Ботинида ёвузлик хуруж қилган кимса одамийликдан чиқиб кетади, ҳайвонга қавм тутинади. Йиртқичларнинг боласи йўқ, йиртқичда ватан бўлмайди, деб ким айта олади.

* * *

XXI аср фильмлари беҳаёлик у ёқда турсин, шафқатсизлик, ёвузликни тарғиб қилмоқда. Ушбу киноларни кўриб одам ўлдириш, шунчаки осон иш экан-да, деб ўйлайсан. Қўлига тўппонча тутган зўровон қаршисида чиққан одамни бемалол отиб кетаверади... Чумолини эзғилаб босиб ўтгандай одатий тус беришади. Нақадар уят. Нақадар сафсата. Ахир бундай бўлиши мумкин эмас. Ўлиш ёки ўлдириш осон эмас. XXI асрга «шафқатсизлик асри» деб нисбат беришга уринаётган хориж киночилари улуғ Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарини бир варақласалар, ёхуд шу китоб асосида яратилган фильмни яна бир карра томоша қилсалар ёмон бўлмасди. Ёвузлик... Қабоҳат... Муҳаббат... Орзу... Ҳамма-ҳаммаси бор. Хуллас, урйиқитта мойиллик қўзғовчи барча фильмлар тасмалари ёниб кул бўлган тақдирда ҳам дунё ҳеч нарса йўқотмайди. Аксинча, бироз тозаради. Агар «Уруш ва тинчлик»дай буюк асар бўлмаганида эди дунё адабиёти ва санъати жудажуда ғариб кўринарди. Шунинг учун биз ёвузликни ҳам, севишни ҳам, разолат ва гўзалликни ҳам «Уруш ва тинчлик» каби шоҳ асарлардан ўргансак ютқазмаймиз. Улар саноқлидир.

* * *

Бир танишим бор. Ўзини биродар қилиб кўрсатади. Журналист бўлиб журналист эмас, ёзувчи бўлиб ёзувчи эмас. Ҳар ҳолда нимадир ёзади. У ҳали ҳеч кимни сен яхшисан, сен шу ишни тўғри қилдинг демаган. Ичи қора бечоранинг. Ўша таниш бир куни минғирлаб қолди:

— Агар уруш ҳақида ёзмаганингда адабиётга кўпроқ нафинг тегармиди... Чунки, уруш ҳақида ёзиш ўнғайсизроқ-да...

... Эҳ, думбил! Мавзуни ёзувчи эмас, балки мавзу ёзувчини танлашини сен қаёқдан билардинг.

* * *

Истеъдодли журналист шундай ёзади: «Ота заводда ясаган кўрғошин ўқ билан урушда унинг ўғлини отишди. Ота ўз ўғлини ўлдириш учун ўқ ясаётганини билмасди...»

Мана фожиа. Мана урушнинг суврати. Мана армон! Уруш инсоният тақдирини шунчалар чигаллаштириб юборадики, бу мусибат олдида ақлдан озиш ҳеч гап эмас.

* * *

Ўғлим, мен сени яхши кўраман. Кипригингга гард қўнса, кўнглим вайрон бўлади. Менинг урушга бўлган нафратим оғир жангларни бошдан кечирганимда эмас, балки ҳаётда умрим давомчиси, ёруғ чироғим — сенинг борлигинг туфайлидир. Ҳамма нарсага чидашим мумкин. Фақат ўғлинг ҳам бир куни Сен каби қурол кўтариб, ўқлар ичида юради, десалар бардош беролмайман.

Оллоҳ, ўша кундан ўзинг асра. Истиқлолимиз мангу, осойишта кунларимиз боқий давом этсин.

Қўчқор НОРҚОБИЛ



ЎЛМАС СЎЗ

Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмас.

(«Ҳадис»дан)

* * *

Эй фарзанд, Анушировн деди: «Узоқ пушаймонликдан холис бўлмоқни тиласанг, кўнгил ҳавоси билан иш қилмагил».

Яна деди: «Агар зийраклардин бўлмоқ тиласанг, юзингни халқнинг кўзгусида кўргил».

* * *

Эй фарзанд, Анушировн деди: «Агар шармисор бўлмайин десанг, қилмаган ишни қилдим дема».

(«Қобуснома»дан).

* * *

Уч нарсани уч нарса билан топиб бўлмайди: бойликни орзу-ҳавас билан, ёшликни пардоз-андоз билан, соғлиқни дори-дармон билан.

* * *

Уч тоифа одамнинг хизматидан ранжимаслик керак: ота-она, бемор, меҳмон хизматидан.

(«Халқ ҳикматлари»дан).

Акс — садо

ТАБАРРУК КИТОБЛАР ЎГИТИ

Ҳар бир халқнинг, ҳар бир юртнинг ўзига хос урф-одатлари, расм-русумлари ва анъаналари бўлади. Бу тушунчалар кўпинча бирон расмий ҳужжат ва қонунлар билан белгиланмай, ёзма равишда қайд ҳам қилинмайди. Лекин асрлар оша урфу одатлар ва анъаналар жамиятда, халқ орасида қарор топиб, ўша халқнинг бутун вужудию қалбига жо бўлиб, бир умрга муҳрланиб қолади (албатта, бу урф-одатларга замонлар ўтиши билан давр тақозасига кўра янгиянгилари қўшилиб, бойиб боради).

Бу урф-одатлар, тўй-ҳашамлар ва маросиму маъракаларни ўтказиш масалаларида айниқса кўзга яққол ташланади. Биз Ўзбекистон аҳли Шарқ халқларига мансуб бўлганимиз боис азал-азалдан турмуш тарзимизда ҳам, тафаккур уммонимизда ҳам, юриш-туришимизда ҳам шарқона бағрикенглик, мўътадиллик, ҳар қандай шароитда ҳам ақл-идрок билан "етти ўлчаб бир кесиб" иш тутишлик тамойили устун бўлиб келган. Ота-боболаримиз, буюк аждодларимиздан бетакрор маънавий мерос тариқасида ўтиб келаётган том маънодаги гўзал бу фазилатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги ҳақ. Шу боисдан ҳам сабр-тоқатли, маърифатли ва маънавий илдизлари бақувват халқимиз ақл-идрок ва илму ҳикматга таяниб иш тутиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан, оламшумул зафарларга эришганлар. Чорёрлардан иккинчи бўлган халифа Умар ибн ал-Хаттоб ҳазратларининг "Сабр-тоқат орқали биз гўзал ҳаётга эришдик" деб таъкидлашлари ҳам сабр- тоқатли бўлишликнинг нақадар қудратли восита эканлигига далолатдир.

Юртимизда қадимқадимдан бошлаб, тўй-ҳашамлар ҳам, ҳар қандай улкан тантанаю шодиёналар ҳам меъёрида, ҳеч қандай сарзиёдаликсиз ва ортиқчаликка йўл қўймасдан чиройли, батартиб, том маънода оммавий шод-хуррамлик руҳида ўтказилган. Марҳумлар хотирасига бағишлаб ўтказиладиган маъракаю-маросимлар ҳам маҳаллий шароитларимиздан келиб чиқиб, камтарона ва одми, шикастанафс тарзда ўтказилар эди. Лекин муҳтарам Президентимизнинг яқинда эълон қилинган Фармонида сўнгги вақтларда мамлакатимизнинг кўп

жойларида тўй ҳашамлар ва маросимларни ўтказишда ўта дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, катта исрофгарчилик каби иллатларга йўл қўйилаётгани тўғри таъкидланган. Бир қарашда "тўқликка шўҳлик" тарзидаги айрим сохта обрўга интилган амалдор ва шуҳратпарастлар томонидан содир этилаётган бу иллатларнинг жамиятимиз учун жуда хатарли эканлигини англаш унчалик қийин эмас. Асосан маънавий қашшоқ, нопок шахслар томонидан уюштирилаётган бу хилдаги дабдабали тўю ҳашамлар ҳуқуқий, адолатли жамият қуриш йўлида дадил бораётган мустақил Ўзбекистонимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит ва адолат мезонининг бузилишига олиб келиб, кенг халқ оммасининг норозилигини туғдириб, айниқса, етук, баркамол ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Иймон-эътиқодли, маърифатли халқимизнинг шаънига тамомила тўғри келмайдиган ортиқча исрофгарчилик билан уюштирилган тўй ҳашамлар, маросимлар дини ислом таълимотида ҳам кескин қораланади. Бу хусусда муқаддас китобимиз Қуръони Каримда **"Енглар, ичинглар, бироқ исрофгарчиликка йўл қўйманглар, чунки Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни ёмон кўради"** (ал-Аъроф сураси, 31-оят) деб алоҳида таъкидланган. Тўйларни ўта ихчам, камхарж ўтказиш ҳақида жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ғоят ибратли ва ҳаётий бир кўрсатмалари маълум. Бундан қарийб ўн тўрт аср муқаддам Сарвари оламнинг муборак тилларидан содир бўлган **"КЕЛИННИНГ БАХТИ УНИНГ ТЎЙ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ КАМЛИГИДАДУР"** деган ҳадиси шарифлари биз, хом сут эмган бандаларни катта исрофгарчиликка йўл қўйиб дабдабали тўй-ҳашамлар қилмасдан, тўйларимизда камтарона, ихчам ҳолда ўтказиб, қолган маблағни янги қурилган ёш оиланинг эҳтиёжларига, келин-куёвнинг фаровон турмушига сарфлашни буюрганлар. Мана шу ҳадисларига қатъий амал қилиб, Расулуллоҳ жаноблари ўз фарзандлари тўйларини ғоятда камтарона, ихчам ҳолда ўтказиб, қолган маблағни янги қурилган ёш оиланинг эҳтиёжларига, келин-куёвнинг фаровон турмушига сарфлашни буюрганлар. Мана шу ҳадисларига қатъий амал қилиб, Расулуллоҳ жаноблари ўз фарзандлари тўйларини ғоятда камтарона, ихчам, камхарж ўтказиш ҳақида жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ғоят ибратли ва ҳаётий бир кўрсатмалари маълум. Бундан қарийб ўн тўрт аср муқаддам Сарвари оламнинг муборак тилларидан содир бўлган **"КЕЛИННИНГ БАХТИ УНИНГ ТЎЙ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ КАМЛИГИДАДУР"** деган ҳадиси шарифлари биз, хом сут эмган бандаларни катта исрофгарчиликка йўл қўйиб дабдабали тўй-ҳашамлар қилмасдан, тўйларимизда камтарона, ихчам ҳолда ўтказиб, қолган маблағни янги қурилган ёш оиланинг эҳтиёжларига, келин-куёвнинг фаровон турмушига сарфлашни буюрганлар. Мана шу ҳадисларига қатъий амал қилиб, Расулуллоҳ жаноблари ўз фарзандлари тўйларини ғоятда камтарона, ихчам ҳолда ўтказиб, қолган маблағни янги қурилган ёш оиланинг эҳтиёжларига, келин-куёвнинг фаровон турмушига сарфлашни буюрганлар. Мана шу ҳадисларига қатъий амал қилиб, Расулуллоҳ жаноблари ўз фарзандлари тўйларини ғоятда камтарона, ихчам, бир умрда эсда қоладиган ҳақиқий шоду-хуррамлик руҳида ўтказилса, деган эзгу ният билан ушбу мақоламизга нуқта қўйдик.

Убайдулла УВАТОВ,
Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари.

АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ

МАЪНАВИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хўш, кейин нима бўлади? Табиийки, жамиятнинг оёғига тушов бўлишдан бошқа ишга ярамайди.

Албатта, ҳамма раҳбарларни худо уриб кетган, десак, адолатдан бўлмайди, яратиш ишқида тиним билмайдиган, тонгни тонгга улаб ишлаётган фидойи инсонлар оз эмас ва уларнинг хизмати ҳамиша халқ тилида, дилида.

Лекин гап оёғи ердан узилган, амалини суиистеъмол қилаётган, эл-юртни назар-писанд этмайдиган амалдорлар ҳақида экан, энг аввало шуни айтиш керакки, йўлбошчимизнинг, халқимизнинг назарига тушиш, катта бир ташкилот, туман ё вилоятга раҳбар бўлишнинг ўзи аслида шараф, мўътабар ишончдир. Нима, шу тармоқни эплаб кетадиган бошқа бир одам Ўзбекистонда йўқми? Ёхуд бу мартаба отамерос сифатида унга хатлаб берилганми? Усиз одамларнинг куни ўтмай қоладими? Йўқ, албатта. Халқнинг тили билан айтганда, Худонинг бир марҳамати, янгиланиш замонида юксак ишонч бу!

Мана шу оддий ҳақиқатни унутиб қўяётган раҳбарлар оз эмас. Ҳатто ҳозир, шунча гапсўздан кейин йўлбошчимиз инсоф ва адолат ҳақида куюниб айтган фикрларни “Бу Навоий вилоят ҳокимига тегишли”, “Бу Фармон Қуролов ҳақида”, деб хотиржам юрган казо-казолар йўқ дейсизми? Ҳолбуки, улар орасида ҳам шоҳона қаср қурганлари, асъасаю дабдаба билан тўй қилганлари талайгина. Тағин шу ҳақда гап очилса, бундайлар деразадан ташқарига қараб, “ўзи бу тоза ҳаддидан ошиб кетган эди-да”, дейишади, сўнг: “Нима, бу — Галина Старовойтовани коммунистлар отиб қўйишибдими, а?” — деб гапни чалғитиб юборишади...

Улар бу мавзуни муҳокама қилишни исташмайди. Ўша Фармон ёлғиз Қуроловга эмас, балки ўзларига ҳам тегишли эканлигини яхши билишади, лекин келажагимиз асосига айланаётган хайрли тадбирларни “навбатдаги компаниябозлик бўлса керак”, деб ўйлайди, “тезроқ шу тўполон босила қолса эди”, дейди. Хўш, кейин-чи? Кейин, табиийки, яна ўз билганларидан қолишмайди.

Йўлбошчимиз “Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин” деб номланган суҳбатларида бу иллатга асосли ташҳис қўйганлар: **“Бу касаллик илдизи хонлар, беклар, қозилар, мингбошию юзбошилар ҳукм сурган олис замонларга бориб тақалади”.**

Собиқ шўро тузуми даврида эса бу иллат янада беомон тус олди.

Халқимизда “касали ичга урибди” деган ибора мавжуд. Кўпни кўрган кишилар касалнинг ичга уришидан қаттиқ хавотир олишади. Чунки у беморнинг ички аъзоларини адойи тамом қилади ва унинг ҳаётига жиддий хавф туғдиради.

Яқин ўтмишда биз шундай кўргиликни бошдан кечирмадикми, ахир? Сталин зулми ёдингиздадир? Бу шафқатсиз қатағонлар одамларни қўрқинч салтанатида юрак ҳовучлаб яшашга ўргатди. Гарчи оч ва яланғоч, юпун бўлсада, давлатнинг мулкига кўз олайтиришга биров журъат қила олмас эди.

Қирқинчи йилларнинг охирида, айтишларича, чироқ ёқиш учун қишлоқда керосин топилмагач, бир тракторчи тракторидан бир чойнакча керосин олган. Кечқурун механик икки шериги билан унинг уйига бало-қазодай ёпирилиб келган, “Нега давлат мулкини ўғирлайсан?” деб унинг бошига лом билан урган, белини синдириб юборган...

Олтмишинчи йилларда ҳам пайкалга сувни тошириб юборгани учун, саксонинчи йилларда эса трактори ғилдираги бир туп ғўзани босиб, ҳосилини тўккани учун партиядан ўчирилган, демак, қамалиб кетган кишилар бор...

Бу таҳдид ҳамиша бизга солдай эргашиб, юракка таҳлика солиб келган, аммо у нафс балосини, очофатлик иллатини даф этган эмас. Бу иллат бамисоли ичга урган касаликка айланган эди...

Сталиннинг ўлимидан кейин, хусусан, шахсга сиғиниш қоралангач, одамлар қўрқинчни унута бошлашди, аксига олиб, ўша йиллар Америкадан ўзиш, ҳеч бўлмаса, қоғозда уни қувиб ўтиш кайфияти Московдагиларга тинчлик бермай қўйди, шунинг оқибатида кўзбўямачилик, яъни қўшиб ёзиш бошланиб кетди, олтмишинчи йилларда бригада бошлиқлари “шунга қўл қўйинг, керак бўлиб қолди!” деб қалбаки ведомостларга имзо йиғиб уйма-уй юришгани ҳамон кишиларнинг ёдида.

Шунда бирон-бир одам: — Ахир, биз бу пулнинг қорасини ҳам кўрганимиз йўқ-ку! Кимга керак бу ўзи? Нега? Бу пул қаёқдан келаяпти? Кимнинг ҳисобидан у сувдай оқаяпти? Қаёққа кетаяпти у? Уни сўрайдиган одам йўқми? Оқибати нима бўлади? Нега биз бу ҳужжатга қўл қўйишимиз керак экан?! — дея эътироз билдирган эмас. Бу ҳам бўлса, йўлбошчимиз айтганларидек, мутелик психологияси. Қолаверса, ўзбекчилик. “Ҳа, энди, шу одам катта бошини кичиб қилиб келибдими, демак, керак экан-да, керак бўлгач, қўл қўямиз-да!” дейиш, чуқур ўйлаб кўрмаслик асоратидир. Ҳолбуки, бу пул осмондан тушган эмас, у ҳам аслида халқнинг ризқи эди. Шу пулнинг кучи билан режалар гуриллаб бажарилар, кимлардир данғиллама қасрлар қурар, уст-устига янгини “Волга”лар олар, довруғи етти иқлимга тараладиган тўйлар берар эди...

Йўлбошчимизнинг: **“Дунёнинг кўп-кўп мамлакатлари, жаҳон халқлари ҳаёти, тарихи, иқтисодиёти, сиёсати, фалсафаси, маданияти шуни кўрсатадики, ёвузликнинг, жумладан, порахўрлик, ўғрилик, товламачиликнинг миллати, насл-насаби йўқ”,** деган фикрларини ўқир эканман, беихтиёр шулар хаёлимдан ўтди.

Бундан бир йилча муқаддам таҳлилий мақола ёзишдан аввал, шиша маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик корхонадаги дебитор, кредитор қарзларни ўрганишга тўғри келган. Шунда ажаб бир ҳол кўзга ташланди: улар ишлаб чиқараётган маҳсулот ниҳоятда эҳтиёжталаб, аммо ишчилар маош ола олмай , қийналиб юрибди. Сабабини сўрасангиз, маъмурлар: — Ҳисоб рақамимизда пул йўқ, бўлиб қолар, — дейишади, аммо ҳар қанча уринмайлик, ҳужжатлар билан танишишга имкон беришмайди. Корхона раҳбари кўрпа-тўшак қилиб ётибди, афтидан, у қўл остидагиларга: “Бирон-бир ҳужжатни кўрсатманглар!” — деб тайинлаган.

Солиқ инспекцияси, прокуратура ва мутасадди банкдан шу корхонага дахлдор ҳужжатлар олинди, шунда масала ойдинлашди: маъмурият давлат ҳисобидан шу қадар “ҳотамтой”лик қилганки, деярли тўқсон фоиз маҳсулотни насияга бериб юборган. Албатта, бу “қўли очиқ”ликнинг замирида шахсий манфаат яширин. Ишчилар эса бир сўмга зор. Учинчи кун корхонага бориб, шу ҳужжатларни ойдинлаштирувчи бир-икки маълумот сўрадик, улар тағин аввалгидек “ўйин” қилишди: муовин “бу ҳужжатлар бош ҳисобчида”, деди. Бош ҳисобчи “ҳужжатларни ҳуқуқшуноснинг сейфига солиб қўйган” экан. Ҳуқуқшунос эса, “хизмат юзасидан сафарга кетган” бўлиб чиқди...

Корхонадан қайтар эканмиз, ўша биродарларимиз бизни дарвозага қадар кузатиб чиққан бўлишди, юзларидан ёғ томиб турган бу одамлар жуда хотиржам эди, афтидан, бугун келадиган “кундалик тушум”дан бошқа нарсани ўйлашмасди. Улар биз билан: “Қалайсизлар энди?” деган каби мийиғида кулиб хайрлашишди. Кўзларида эса, сенга ким қўйибди — оёқ остида ўралашишни, деган беписандлик акс этиб турарди.

Ўша вазият шафқатсиз бир ҳақиқатни англатиб турар эди: булар жўн одамлар эмас, балки Сталиннинг қаҳрли қиличидан омон қолган, ўтмиш давр юлғичликларида обдон “тобланган” қавм. Бу очофат қавм учун бугунги демократик ислоҳотлар — янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш жараёни, афсуски, жуда қўл келмоқда, улар илдиз отиб, палак ёйиб, жамиятнинг гуллаб-яшнашига сурбетларча монелик қилиб турибди.

Чунки йўлбошчимиз айтганидек, ваколат уларнинг қўлида.

Тўғри, аслида уларнинг вазифаси — корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатини ошириш, шунга талабгор топиш ва шартнома асосида уни таъминлаш, келаётган даромад эвазига ишни юргизиш. Аммо у бунинг аксини қилади: ўз оёғи билан келган талабгорни қабул ҳам қилмайди, талабгор бир амаллаб олдига кирса, қовоғини уяди, чимирилади, “ҳеч иложи йўқ, оғайни, — дейди, — бўлса, қани эди, хомашё четдан келтирилади...”

Талабгор кўриб турибди — худди шу маҳсулотни бошқа бировлар юк машинасига босиб, корхонадан олиб чиқиб кетаётир. Демак, қуруқ гап билан иш битмайди — “шеф”нинг кўнглига йўл топиш керак!

“Ўлимдан бошқасининг иложи бор!” дейди одамлар. Бу гап ҳам куни кеча пайдо бўлган эмас, албатта.

Талабгор ўша маҳсулотни олиш учун “беради”, кейин ҳеч шубҳасиз, харажатларни қоплаш учун “устига қўйиб”, сотишга чиқаради. Чунки бу ёқда солиқчи, ҳудуд нозири қарракнинг полапонидай оғзини очиб қараб турибди, табиийки, ўзига ҳам бир нима қолиши керак.

Икки ўртада кимга жабр — харидорга, яъни халққа жабр.

— Бу қавм учун корхонанинг фойда ёки зиён кўриши, ишчиларнинг маош олиш-олмаслиги аслида бир пул. Нафси қонса, бас. Ўзларининг юлғичликлари оқибатида юзага келаётган муаммоларни “иқтисодий қийинчилик”ка тўнкашади ва “бир биз эмас, ҳаммагаям қийин ҳозир”, дейишади...

Айримлар, “Сталин тирилиб келса, бу суллоҳлар учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолар эди”, деб ўйлайди. Бир қарашда бу фикр тўғридек бўлиб туюлади. Лекин қачонгача ҳар биримизнинг тепамизда кимдир қилич яланғочлаб туриши керак? Қачонгача биз азбаройи қамалишдан, отилишдан қўрқиш туфайли тўғри яшашимиз керак? Унда одамнинг онгсиз жонзотлардан ҳеч фарқи қолмайди-ку!

Қолаверса, биз қайси даврда, қандай жамиятда яшаяпмиз? Модомики, ўзимизни назорат қилиб, тартибга сола олмас эканмиз, халқни халқ, миллатни миллат қилиш, озод, демократик, фаровон жамият, келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги йўлбошчимизнинг мислсиз саъй-ҳаракатлари, халқимизнинг ишончу интилишлари қаёқда қолади?

Шунинг учун ҳам йўлбошчимиз тафтиш ва назорат, назоратчиларни кўпайтириш билан кўзланган ниятга эришиш қийин эканлигини айтдилар ва бу фикр ҳаётий асосга эга. Назорат-тафтиш идоралари “ёғли жой” деган тушунча яқин ўтмишда йўқ ердан пайдо бўлиб қолган эмас. Назоратчилар сонининг ўсиши юлғичлар сафини кенгайтириб қолмай, маънавий емирилишнинг янги ва янги “усул”ларини келтириб чиқаради, шу билан бирга халқнинг елкасига тушаётган юкни ҳам оғирлаштиради.

Суҳбатни ўқиган ҳар бир диёнатли киши йўлбошчимиз бу оғриқли иллатни бартараф этиш ҳақида оғир ва узоқ мулоҳаза юритганликларини юрак-юракдан ҳис этади. Йўлбошчимизнинг якуний хулосаси жуда табиий, халқни халқ, миллатни миллат қилишга қаратилган. **“Менинг назаримда, —** дейди Ислом Каримов, **— бу муаммонинг ечими қуйидагилардан иборат.**

Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган, замонавий илғор талабларга жавоб берадиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак...”

Ёшларнинг “ҳал қилувчи вазифаларга келиши” осон кечмайди, албатта. Бу эскилик ва янгилик ўртасидаги кураш, демакдир. Қолаверса, бизнинг табиатимизда қариндошуруғ, маҳаллийчилик каби иллатлар, яқинингга ён босиш ҳамон яшаб келади. Бировни бир ишга тавсия этишдан олдин одамлар шу кадр ким, ўзиникими, ундан нима наф етади, энг аввало шу ҳақда ўйлаб кўришади. Аммо нима бўлганда ҳам ёшларнинг жамият ҳаётига тоза қон янглиғ кириб келиши, биз истаймизми, йўқми, фавқулодда ўзгаришларга олиб боради. Бу ўзгаришлар қандай самара беришидан қатъий назар, баҳор нафаси янглиғ тозаришга, яшаришга хизмат қилиши муқаррардир.

Йўлбошчимиз ўша суҳбатларида фуқароларнинг давлатни бошқаришдаги иштироки, кўппартиявийлик, фикр ва сўз эркинлиги, мулк масаласига боғлиқ ўзликни танишга хизмат қиладиган мавжуд имкониятларни бир-бир кўрсатиб, жамият аъзоларини назорат қилишда уларнинг беқиёс аҳамиятини таъкидлар эканлар, жамоатчиликнинг фикри, ижтимоий ҳаётда жамоатчилик назоратини ўрнатиш масаласига алоҳида эътибор қаратадилар. **“Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур”,** дея таъкидлайдилар Ислом Каримов.

Зеро, халқимизда азал-азалдан жамоатчиликнинг фикри ҳамма нарсадан устун ҳисобланган. Жамоатчиликнинг қаҳрига учраган жирканч кишилар ўзи яшаб турган маҳалла ёхуд қишлоқни тарк этишга мажбур бўлган. Жамоатчиликнинг фикри жамият аъзолари ҳаётида ҳал қилувчи мавқе тутган. “Элдан чиққан”, “Элга қўшила олмай юрибди” деган гаплар ўшандан қолган.

Ҳозир ҳам бадахлоқ бир кимса остона ҳатлаб ичкарига кирар бўлса, таъбимиз кирланади, қандай қилиб бўлмасин, уни уйдан чиқариб юборишга ҳаракат қиламиз. Лекин шу кимса маҳаллада ўралашиб юрса-да, индамаймиз. Ҳолбуки, шу маҳалла, шу қишлоқ, шу шаҳар, шу Ватан ҳам аслида бизники ва оиламиз қадар азиз!

Нопок кимсалар остона ҳатлаб ичкарига кирмасин, десак, улардан нафратимизни яширмаслигимиз керак!

Жамоатчиликнинг фикри, жамоатчиликнинг назорати шу тарзда юзага келади. Ва у қайнаб тошаётган булоқ суви янглиғ ҳар қандай иллатни ювишга қодир.

Ғаффор ҲОТАМОВ.

АВТОСАНОАТ

ИККИНЧИ ДОВОН

Автомобиль саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг таянчига айланиб бормоқда.

Ислом КАРИМОВ

Истиқлолга қадар фақат хомашё етказиб берувчи республика бўлган Ўзбекистоннинг жаҳондаги автомобиль саноатига эга бўлган 28 мамлакат қаторидан жой олгани қувонарлидир. Бугун шаҳару қишлоқларимиз кўчаларини тўлдириб юрган «Нексия», «Дамас», «Тико»ларни кўрганимизда, кўнгилда «ўзимизники!» деган фахр туйғуси кечади. Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган машиналарни эндиликда нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам учратиш мумкин.

Тез орада Самарқанд ҳамкорликда «Жигули» русумли автомобилларнинг баъзи эҳтиёт қисмларини тайёрларди. Кейинчалик эса заводда «ЛиАЗ-52», «ЛиАЗ-53» русумли автобуслар йиғила бошлаган эди.

Ўзбекистон ва Туркия мамлакатларининг ўзаро келишувларидан сўнг «Вазагрегат» бутунлай қайта таъмирланиб, уни автобуслар ишлаб чиқаришга мослаб жиҳозлашга киришилди. Шу мақсадда эълон қилинган танловда эса Туркиянинг «RAM DIŞ TICARET» компаниясининг «ДАМА» қурилиш ширкати ғолиб чиқиб, ҳам мамлакатимизнинг иккинчи автомобилсозлик саноати марказига айланади. Бу ерда «СамКочАвто» қўшма корхонаси ишга туширилади. «СамКочАвто» — Ўзбекистон ва Туркия ўртасида ўзаро ҳамкорлик асосида ишлаб чиқилган энг йирик лойиҳаларнинг ижобатидир. Мазкур қўшма корхона ишга тушгач, автобус ва кичик ҳажмдаги юк ташиш автомобиллари ишлаб чиқарила бошланади. Унинг муассислари «Ўзавтосаноат» ассоциацияси ва Туркиянинг «Коч» компанияси ҳисобланади.

Янги корхона жойлашган бино бундан бир неча йиллар аввал «Самарқандавтоагрегат» заводи тасарруфида бўлиб, у Волжск автозаводи билан қарадиган ягона қўшма корхона бўлади. Янги корхонада йилига 3000 та автобус йиғилиши мўлжалланмоқда. Улар Италия ва Испания ҳамкорлигидаги «IVECO» фирмасининг ихчам конструкциялари асосида яратилиб, ҳар жиҳатдан бизнинг шароитларимизга тўла мос келади.

«СамКочАвто»да, шунингдек, ҳар йили хўжалик ишларида фойдаланиладиган кичик ҳажмдаги юк автомобилларидан 1000 дона ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Муҳими, янги автомобиллар бошқаришнинг қулайлиги, ёнилғини кам ишлатиши жиҳатидан ажралиб туради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дастлабки йилларда Туркиянинг «Otoyol» заводи янги автомашиналар учун мотор, олд ва орқа кўприклар, ойналар, ўтирғичлар, бошқариш тизими ва бошқа муҳим деталлар тайёрлаб беради. Кейинчалик эса эҳтиёт қисмлар асосан Самарқандда ишлаб чиқарилади. Демакки, бу ерда кўплаб янги корхоналар барпо этилади.

Корхонанинг асосий устав фонди 64,118 млн. АҚШ долларини ташкил этади. У тўла қувват билан ишга тушгач, 550 нафар киши иш билан таъминланади. Ҳозирча маҳаллий кадрлардан 105 нафари Туркияда иш ўрганиб, тажриба орттириб қайтди.

Шу кеча-кундузда корхонада ишлар қизғин, ҳademай ўзбек автомобилсозлиги иккинчи довонни ҳам забт этади.

Фарҳод УСМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Халқ сўзи"га жавоб берадилар

БИРИ БЎШАТИЛДИ, БИРИГА ҲАЙФСАН БЕРИЛДИ

Фуқаро Ғанижон Орипов таҳририятга йўллаган мактубида 658-сонли Тошкент – Андижон йўналиши бўйлаб қатнайдиган поезднинг 13-вагон хизматчисининг ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги ва бунинг оқибатида айрим кишиларнинг кўнгли ранжиганлиги тўғрисида куйиниб ёзган эди. Мазкур арзнома «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик темир йўл компаниясига тегишли чора кўриш учун юборилганди.

Яқинда ана шу компанияга қарашли «Ўзтемирйўлйўловчиларташиш» корхонасининг бошлиғи жаноб Т. Дадахўжаев имзоси билан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, шикоят хати Андижон вагон депоси жамоаси ўртасида муҳокама этилган. Ҳақиқатдан ҳам айрим вагон кузатувчилари орасида бир қатор тартиббузарликлар содир этилиб турилганлиги маълум бўлмоқда. Шундай ҳолат Тошкент – Андижон йўналиши бўйлаб қатнайдиган поезднинг 13-вагон хизматчиси Т. Рашидов томонидан ҳам содир этилган. Ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараганлиги ва бу ҳолат йўловчилар орасида норозилик келиб чиқишига сабаб бўлганлиги учун вагон кузатувчиси ишдан бўшатилган. Вагон кузатувчилари иши устидан назоратни сусайтириб юборгани учун поезд бошлиғи А. Содировга ҳайфсан эълон қилинган.

Шикоят поезд бригадирлари ўртасида муҳокама қилиниб, вагон кузатувчилари орасида юқорида айтилган ҳолатнинг такрорланмаслиги ва йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни таъминлаш учун барча чора-тадбирлар кўриляпти.

ЭЛЛИККАЛЪАДА ХУСУСИЙ ГУЗАР

Бугунги кун тадбиркорига оддий дўкон ёки мактаб қуриш ҳеч гап бўлмай қолди. Ҳозирда улар юртдошларига хизмат қилувчи бутун бошли гузарлар қуришга киришдилар. Элликқалъа туманида бунёд этилган гузар фикримизнинг далилидир. Сармоядор Озод Шомуродовнинг ташаббуси билан қад ростлаган ушбу гузар халқ банки шохобчаси биноси, турли дўконлар, пойабзал тикиш ва таъмирлаш цехлари, сартарошхона, дорихона, ошхона ва бошқа маиший биноларни ўз ичига олган. Янги гузар ишга тушгач, 150 нафар йигит-қиз доимий иш ўринлари билан таъминланадилар.

СУРАТЛАРДА: гузарнинг умумий кўриниши; харидоргир маҳсулотлар билан тўла хусусий озиқ-овқат дўкони тасвирланган.

А. МУРАТОВ (ЎзА) олган суратлар.

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» БИЛАН МУЛОҚОТ

Республика ўрта махсус ҳунар таълимини ривожлантириш институтида мамлакатимиздаги машҳур санъаткорлар, сўз усталари, олим ва зиёлилар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Яқинда ана шундай қизиқарли учрашувлардан бири «Жаҳон адабиёти» журнали жамоаси билан ўтказилди. Унда институтнинг малака ошириш факультети тингловчилари журнал ҳақидаги, шунингдек, унда чоп этилаётган дунё адабиёти намуналари тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини таҳририят ходимлари билан ўртоқлашдилар. Журнал адабий ходимлари Гулнора Муҳаммадиёрова, Файзи Шайх Исмоиллар йиғилганларга «Жаҳон адабиёти»нинг келгуси режалари ҳақида тўхталиб, келгусида журналда чоп этиладиган жаҳон адабиётида кўзга кўринган машҳур ёзувчию шоирларнинг ижодларидан намуналар ўқиб беришди.

Файзулло БОБО ДЎСТ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси Навоий вилояти Товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатаси раиси

Комил БОТИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг “Ўзматбаа — таъминот” корхонаси раҳбарияти ва жамоаси шу корхона базасининг директори Икром ИНОҒОМОВга волидаи муҳтарамаси

Ойтўра ая ИНОҒОМОВАнинг

вафоти муносати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси раҳбарияти ва касаба уюшма жамоаси бошқармасининг ходими

Қаҳрамон АКБАРОВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

СПОРТ

«ЯНА УЧРАШГУНЧА ХАЙР, ТОШКЕНТ»

Тошкентда республика соғломлаштириш мажмуининг сув ҳавзасида Оила йилига бағишланган синхрон сузиш бўйича "Сув париси" биринчи халқаро мусобақаси ниҳоясига етди. Ўзбекистон, Россия, Греция ва Қозоғистоннинг энг кучли спортчилари уч кун давомида мусобақанинг бош совринлари учун курашдилар.

Якка дастур бўйича курашда россиялик Анастасия Давидова ғолиб бўлди. Грециялик спортчи Ефросинья Гауда иккинчи, қозоғистонлик Ойнур Керей учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг сўнгги кунида спортчи қизлар дуэт композицияларини ижро этишда юксак техника маҳоратини, мусиқийлик ва нафосатни намойиш қилдилар. Мусобақанинг бу турида ҳам россиялик қизлар — Анастасия Ермакова ва Елизавета Грошина ғолиб чиқди. Грециялик қизлар Ефосинья Гауда билан Мария Морати иккинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистонлик Татьяна Завадовская билан Юлия Велку мусобақанинг бронза совринини олишга муваффақ бўлди.

Мусобақа тугаганидан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида Европа сузиш ассоциацияси синхрон сузиш бўйича техника қўмитаси раисининг ўринбосари Стефания Тулини синхрон сузиш бўйича дастлабки "Сув париси" халқаро мусобақасининг ташкил этилиши Ўзбекистонда халқаро мусобақаларни ўтказишда яхши тажриба тўпланганидан далолат берибгина қолмай, Ўзбекистонда спортнинг бу тури билан шуғулланувчилар 2000 йилда бўладиган олимпия ўйинларида иштирок этадиган жаҳоннинг 24 командаси қаторидан жой олиши учун ҳамма шароит мавжудлигини кўрсатди, деб таъкидлади. У мусобақанинг барча иштирокчилари Тошкентдан гўзаллик ва нафосат байрамини ташкил этган ажойиб кишилар тўғрисида унитилмас тасаввур билан қайтаётганликларини айтди.

— Биринчи "Сув париси" халқаро мусобақасининг иштирокчилари мамлакатимиздан яхши таассурот билан қайтаётганини англаш қувончлидир, — деди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Дилбар Жаҳонгирова. — Қизларимиз жаҳон ва Европа чемпионлари — россиялик спортчи қизлар билан муносиб баҳслашиб, ҳурмат шоҳсупасининг учинчи поғонасига кўтарила олгани ҳам жуда қувончлидир.

Яна шуниси муҳимки, республика соғломлаштириш мажмуи сув ҳавзаси минбарлари синхрон сузиш мухлислари билан тўла бўлди, уларнинг кўплари спортнинг бу чиройли тури билан шуғулланишни хоҳламоқда.

(ЎзА)

Тарихий меросимиз

ШИШАСОЗЛИКНИНГ КЎҲНА МАСКАНИ

Юртбошимиз Ислом Каримов буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги тантаналари чоғида Қува Шаҳристонидаги ёдгорлик мажмуасини кўздан кечира туриб, кўҳна шиша идиш намуналарига юқори баҳо бердилар. Бундай юксак технологияга эришиш учун бир неча юз йиллик тарихий давр босиб ўтилганлигини ва ўрта асрлардаги шишасозликни чуқур тадқиқ этиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўрта Осиёда шиша қачон пайдо бўлган?..

Шиша ишлаб чиқариш бўйича йирик мутахассис, тарих фанлари доктори А.Абдураззоқовнинг изланишлари туфайли Ўзбекистондаги қадим ва ўрта асрлар шишалари химиявий таркиби, таснифи яхши ўрганилган.

Ҳозирги илмфан шиша ишлаб чиқаришдек техника мўъжизасини Нил ва Евфрат водийлари билан боғлайди. Бу ҳодиса милоддан аввалги II минггинчи йилликнинг ўрталарида рўй беради. Тўғри, шишасимон қотишмалар ундан олдинроқ ҳам учрайди.

Марказий Осиёда ҳам шиша ишлаб чиқариш анча эрта пайдо бўлади. Археологик маълумотларга кўра, милоддан аввалги II минггинчи йилдан бошлаб шиша ва шишасимон қотишмалардан тайёрланган мунчоқлар кўплаб учрайди. Зарафшон воҳасидаги Замонбобо археологик ёдгорлигидан шишасимон мунчоқлар топилган. Қадимги шиша намуналари Хоразм, Сўғд, Фарғона каби тарихий воҳаларда ҳам аниқланган. Демак, шиша қотишмасини ажодларимиз бундан ҳам олдинроқ билишган. Аммо шиша ишлаб чиқариш билан боғлиқ устахоналар ва унинг излари ҳозирча топилгани йўқ.

Аммо эрамизнинг бошларига оид шиша ишлаб чиқариш билан боғлиқ топилмалар Ўзбекистоннинг баъзи жойларида аниқланган. Улар қаторига шишани эритиб олишдаги чиқитлар ва бузилиб кетган шаклдаги шиша идиш қолдиқлари киради, булар сўзсиз 2000 йил олдин шишасозлик бўлганини исбот этади. Шишасозлар устахоналарининг қолдиқлари VIII асрдан кейинги археология ёдгорликларида топиб ўрганилган. Қолаверса, яна ҳам ишончли маълумотни Хитой ёзма манбалари беради. Марказий Осиёдан келтирилган шишалар Хитойда жуда қадрланган. У ерда шишанинг икки тури машҳур бўлиб «люли» ва «боли» деб номланган. «Люли» жуда чиройли, кўринишида шаффоф ҳаво ранг бўлиб, ҳашаматли саройларни безашда ишлатилган.

Хитойда бошқа хил «боли» шишаси жуда қадрланган, у қимматбаҳо ва ноёб ҳисобланган. Унинг нафислигига ва рангига бағишлаб шеърлар битилган. «Боли» ранг-баранг шиша бўлиб, ҳар бир давлатнинг ўзига хос рангги бўлган. Америкалик машҳур шарқшунос Э. Шефер келтирган маълумотларга кўра, «боли» номли индиго рангли шиша император Су-Цзун (756-762 йиллар) ва Гао-Цзун (650-683 йиллар) даврида Фарғонадан узлуксиз келтирилган.

Яна бир манба — «Таншу»да таъкидланишича, 713-755 йиллари Тухоло-Тоҳаристон (ҳозирги Ўзбекистон жанубининг бир қисми)дан қизил ва зумрад рангли шиша Хитойга олиб кетилган.

Демак, илк ўрта асрларда ва ундан сўнг шиша ишлаб чиқаришнинг Самарқанд, Ниса, Термиз ва Фарғона каби марказлари гуркираган. Ўрта асрларда, айниқса IX-X асрларда шиша ишлаб чиқариш янада юксалади. Шу даврда Беруний, Ибн Сино каби машҳур олимлар асарларида шиша ишлаб чиқариш билан боғлиқ маълумотлар учрайди. Хусусан, шиша ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган хомашёлар ва уларни ишлаш йўллари батафсил баён қилинган. Маълумотларга кўра, шу даврда 33 хил ҳунармандчилик соҳаси бўлган бўлса, улар ичида энг салоҳиятлиси шиша ишлаб чиқариш эди.

Айни шу даврга оид археологик таъқиқотларда кўплаб шиша идишлар, энг муҳими шиша устахоналар қолдиқлари қазиб ўрганилган. Айниқса, улар Афросиёб (Самарқанд), Термиз, Қува, Тошкент ва Хоразм каби тарихий шаҳарларда аниқланган. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан кўҳна Қувада ўтказилган археологик қазишмалар натижасида кўплаб нодир ва нафис шиша буюмлар йиғими қўлга киритилди. Бу шиша буюмлар ранги, шакли жиҳатидан хилма-хилдир. Улар ниҳоятда юпқа ишланган қадаҳ, атир сепкич, мушк-анбар тараттич қон босимини туширгич-аламбика, графин, атир-упа идишлари, тиббиёт колбаларидир. Булар ичида атир сепкич жуда ноёб бўлиб, улардан бизга маълумлари Қозоғистон, Ахсикент ва Москвадаги Шарқ халқлари тарихи музейида сақланади. Бу идиш нимага атир сепгич бўлиб хизмат қилган?

Гап шундаки, ота-боболаримиз юксак маданиятли бўлиб, ҳозирги француз атир-упаларидан қолишмайдиган хушбўй суюқликлар ишлаб чиқаришган ва идишга солиб меҳмонхонага қўйиб қўйганлар. Ёки бўлмаса Қува шиша буюмлари ичида аламбика деб аталувчи, беморнинг қон босимини тушурадиган тиббий асбобни олайлик. Унинг ишлаш усули, фойдаланишда қулайлиги билан ҳозир ҳам тиббиёт ходимларини ҳайратга солса, ажаб эмас. Чунки қон босимини тушириш учун қон олишда у оддий бўлиб, қанча қон олинаётганлигини бемор ҳам, табиб ҳам кўриб турган. Кўбо усталари ишлаган шиша буюмлар шакли, безалиш ранго-ранглиги ва нафислиги билан ҳали қануз одамларни ҳайратда қолдиради. Усталар нафақат маиший соҳалар учун, балки қурилиш ойналари ҳам ишлаб чиқаришган. Улар ясаган ойналар, деразалар, туйнукларга қўйилган бўлиб, қора ранглилари ҳам учрайди. Ўрта Осиёнинг ёз шароитида қорайтирилган ойналарга бўлган эҳтиёж ниҳоятда баландлиги маълум. Ҳозирда чет эллардан келтирилаётган қорамтир дераза ойналари Ўзбекистонда бундан роппароса минг йил олдин ҳам ишланганлигини қурувчилар билармиканлар?

Қува шиша ишлаб чиқарилиши ва бутун Марказий Осиё шишасозлигини жаҳон цивилизациясининг бир бўлаги деб қараш мумкин. Чунки улар шишасозликни ўрта асрларда энг юқори нуқталарга олиб чиқдилар. Шиша ишлаб чиқаришда бу улкан муваффақият ўз-ўзидан бўлмас эди. Бунинг учун ақл-заковатли ва ўз соҳасининг ҳақиқий усталари зарур эди. Қолаверса, бу маконда қадимдан ҳунармандчилик анча ривожланган эди. Фарғонада шиша идишларининг кўплаб учраши, чет элларда ҳам машҳур бўлганлиги кўҳна шишасозлик ҳозирги цех ишлаб чиқариш шаклида бўлган, деган фикрни айтишга имкон беради. Яъни, шиша катта миқдорда бозор учун чиқарилган ва бу X-XII асрлар учун улкан муваффақият эди. Бунинг исботи сифатида Шаҳристонда М. Аминжонова томонидан топиб ўрганилган шиша ишлаб чиқариш устахонаси қолдиқларини олиш мумкин. Устахонада хумдон қолдиқлари билан шиша чиқитлари ва меҳнат қуроллари топилган. Хумдон атрофидан унча катта бўлмаган чуқурлар шиша массаси олишда қўлланадиган содани эритиш учун фойдаланилган экан. Демак, шишасозлик Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда чуқур илдизларга эга бўлиб, у шиша ишлаб чиқаришнинг йирик марказларидан бири эди.

Боқижон МАТБОБОЕВ,
Ўзбекистон ФА Я. Ғуломов номли Археология институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

Мактуб

«ҲАМЗА» ТЕАТРИ НЕЧА ЁШДА?

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён тарихимизнинг узоқ ва яқин даврларига оид жуда кўп саҳифалари ойдинлашиб, ҳақиқат мезонлари асосида қайта баҳоланмоқда. Бугунги кунда, бошқа соҳалар қатори, XX аср ўзбек адабиёти ва санъати тараққиётида рўй берган муҳим тарихий воқеликлар ва саналарга ҳам аниқлик киритиш, уларга тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан холисона баҳо бериш имконияти туғилди. Зотан, бу йўналишда қилиниши керак бўлган ишлар ҳали талайгина. Хусусан, XX аср замонавий ўзбек миллий театр санъатининг бунёд бўлиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнаган, ўзбек профессионал актёрлик мактаби ва режиссурасининг пойдеворини қурган отахон театримиз Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрига қачон асос солинганлиги ҳақида шу кунга қадар узил-кесил, аниқ бир хулосага келинган эмас.

Ўзининг бир неча минг йиллик анъаналарига эга бўлган ўзбек миллий томоша санъати XX аср бошларига келиб янги замонавий шакл ва мазмунда ривожланишда давом этди. Афсуски, собиқ советлар даврида ушбу тарихий ҳақиқат бузиб талқин қилинган бўлиб, XX аср ўзбек театр санъати гўё октябрь тўнтарилишидан кейин юзага келган, деган тушунча сунъий равишда илгари суриб келинган эди. Табиийки, шунга асосланиб, Ҳамза театрининг ташкил этилиши санаси ҳам 1919 йил, яъни труппага «Карл Маркс» номи берилиши давридан бошлаб белгиланган. Ҳолбуки, **тарихий далилларга таянадиган бўлсак, кўз ўнгимизда бутунлай бошқа манзара намоён бўлади. Аслида замонавий шаклдаги миллий театрни ташкил этиш ҳаракатлари октябрь тўнтарилишидан анча илгари юзага кела бошлаган эди. Халқ орасидан чиққан бир қанча истеъдодли ҳаваскорлардан ташкил топган кичик-кичик гуруҳларнинг ижодий изланишлари аср бошларидаёқ замонавий ўзбек театрининг пайдо бўлаётганлигидан далолат берарди.** Анъанавий халқ томоша санъати намуналари билан бирга замонавий саҳна асарларини ҳам яратиш иштиёқи тобора кучайиб борди. 1911 йили Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан ёзилган «Падаркуш» асари янги шаклдаги илк ўзбек миллий драмаси сифатида дунёга келди. Лекин уни саҳналаштириш жараёни осон кечмади. Чоризм томонидан тайинланган турли мансабдорларнинг рухсатини олиш, цензурадан ўтказиш ва ниҳоят, асарни саҳналаштириш имкониятига эга ижодкорлар труппасини шакллантириш учун бир неча йил вақт кетди. Ниҳоят, **1914 йил январь-февраль ойларида ушбу асар олдинма-кетин Самарқанд ва Тошкент шаҳрида саҳна юзини кўрди. Жадидчилик ҳаракатининг атоқли намояндалари Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов сингари фидойи зиёлиларнинг интилишлари билан 1914 йили Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган труппа «Турон» номи билан атала бошлайди. Кўп ўтмай ушбу труппага истеъдодли актёр, режиссёр ва дастлабки ўзбек драматурглардан бири Маннон Уйғур кириб келди. Айнан шу труппа Ҳамза номидаги театрнинг майдонга келишига замин ҳозирлади ва ўзбек профессионал театр санъатининг бунёд бўлишида тамал тошини қўйди.**

Демак, санъатимиз тарихига фактлар асосида ёндашилса, Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрининг вужудга келиш санаси 1914 йил 27 февраль бўлиб чиқади. Ушбу жараён ўзбек театршунос олимлари томонидан аллақачон илмий жиҳатдан исботлаб берилган бўлсада, шу кунга қадар эътибордан четда қолиб келган ва Ҳамза театрининг ташкил этилиш санаси 1918 йил деб муҳрлаб қўйилган, ундан нарига ўтишга рухсат этилмаган.

Мустақиллик шарофати билан ана шу тарихий ҳақиқатни тиклаш замони келди. **Зеро, Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида ҳақли таъкидлаганидек, «Асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир».**

М. ҚОДИРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори; Т.ИСЛОМОВ, санъатшунослик фанлари номзоди; О. РИЗАЕВ, санъатшунослик фанлари номзоди; Ш. РИЗАЕВ, филология фанлари номзоди; М. АБДУҚУНДУЗОВ, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон халқ артисти; Ё. АҲМЕДОВ, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти.

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ЖУРНАЛ!

ЯНА БИР ДУГОНА

Элимиз аёллари учун мўлжалланган, иккита сони нашрдан чиққан янги журнал — «Саида» бизда катта қизиқиш уйғотди. Ўттиз тўрт саҳифадан иборат. Мақолалар ўзбек ва рус тилларида чоп этилган. Расмлари мазмундор ва рангли. Журнални варақлар экансиз, ўзингизни бахор оғушида сайр этаётгандек сезасиз. Энг муҳими, миллий ва замонавий ўзбек аёлининг сурати, деса бўлади ушбу журнални. Бош муҳаррир Элвира Тоғуломова билан суҳбатимиз ҳам мароқли кечди.

— Аввалambор Сизни журналнинг иккинчи сони чоп этилганлиги билан табриклаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, журналнинг «Саида» номини олиши, унинг режалаштирган мақсадлари ҳақида фикрингизни билмоқчимиз.

— Эътиборингиз учун ташаккур. «Саида» аёлларимизда қизиқиш уйғотганидан ҳамда иккинчи сонининг журналхонга тақдим этганимиздан жуда хурсандмиз. «Саида» сўзининг асл маъноси — бахтли, саодатли, бахтиёрлик, беҳбудлик, тинчлик, бардамлик, файзли ҳаёт эгаси ва хуштолеликдир. Бу ном азалдан кўпдан-кўп қизларимизга қўйилиб, шоир ва шоираларимиз томонидан маъносига яраша мадҳ этилган. Барча номлардаги қизларимиз, аёлларимиз гўзал, хушфеъл, иболи, иффатли, нафис ва нозик табиатлидирлар. Лекин Саида исмлилар жуда гўзал, чиройли, ўта хушфеъл, нафис ва нозик, жафокаш, заҳматкаш бизнинг назаримизда. Аёлларимизга бахт ва саодат тилаб, журналнинг ҳам хуштоле бўлишини хоҳлаб, уни «Саида» номи билан атадик.

— Журналнинг мақсади ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз?

— Бу ҳақда биринчи сонда қисман фикримни билдирган эдим. Лекин яна бир бор сўзлаб бериш менга қувонч бағишлайди. Энг аввало, журналимиз ўз иши ва шахсий ҳаётлари ташвишлари билан ўралашиб қолган аёлларимизни бизни қуршаб турган ҳаёт ва давр гўзалликлари билан таништириш, ундан ўзига сабоқ олиб, доимо гўзал бўлишга ундайди.

«Саида» нафақат аёлларга, балки ижтимоий ҳаёт ва жамиятимизга ҳам ўзининг камтарона сўзини айтадиган нашрдир. Ўйлайманки, биз миллий урф-одатлар, намунавий анъаналар тарғиботчиси сифатида ҳам ўқувчиларимиз кўнглини хушнуд этишга ҳаракат қиламиз.

Мустақил мамлакатимиз хотин-қизларимизга кўпдан-кўп шароитлар яратиб берди. Улар ҳар соҳада бирмунча муваффақиятларга эришган бўлсалар ҳам, лекин оиладаги ташвишлари камаймади. Журналимиз эса улар қўлига етгач, юмушларини енгиллаштириб, қувонч бахш этишини жуда-жуда истар эдик.

Биз ҳаётимиздаги гўзалликлар, қувончли дақиқалар билан уларни таништириб бориб, керак бўлса маслаҳатлар, фикрлар бериб, аёлларимиз ўзлигини англаб, янада гўзал ва соғлом бўлиб юришларини хоҳлаймиз.

— Журналнинг биринчи сонида «Аёл, муқаддассан», «Янги оилада ким устун?» ва бошқа қизиқарли мавзулар она тилимизда чоп қилинган. Лекин мақолаларнинг кўп қисми рус тилида...

— Жамоамиз аъзолари кўпаймоқда. Келгусида журнал яна ҳам мазмунан бойитилади, ҳажми ҳам ўсади. Энг муҳими, мақолалар ўзбек тилида бўлади. Энди тетапоя бўлаётганимизни мухлисларимиз тушунадилар, деб ўйлайман. Мамлакатимиз аҳли кўп миллатлилигини инобатга олиб, журналнинг бир қисми рус тилида нашр қилинмоқда.

— Элвира хоним, журнални чиқариш учун нималар сабаб бўлгани ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Мен журналистлар оиласида туғилиб ўсганман. Атрофимдаги яқин сафдошларимнинг кўпи журналист ва матбаачилар бўлиб, улар бу соҳага менда катта қизиқиш уйғотган. Низомий номидаги педагогика институтида (ҳозир университет) ўқиб юрган давримдаёқ биринчи маротаба қалам юритиб, таҳририятлар фаолиятида қатнашган давримни унутолмайман. Ёшлар иттифоқида ишлаган, Техника университетида ўқитувчилик қилган давримда аёллар ҳақидаги журналларни қизиқиб ўқиш билан бирга, бирон бир замонавий аёллар журналини яратиш режаларини ҳам ўйлаб юрардим. Ҳозирда «Саида»ни нашр қилиш асносида бу қанчалик машаққатли меҳнат эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

— Оила аъзоларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Умр йўлдошим ҳуқуқшунос. Катта қизим Гулбаҳор ТошДУнинг журналистика факультети студенти, кичик қизим Шаҳло ва ўғлим Мардонбек мактаб ўқувчилари. Улар фақат уй ишларимга қарашибгина қолмай, балки иш фаолиятимда ҳам доимо ёрдам кўрсатиб келадилар. Улар билан фикр алмашиб ёшлар ҳаётини ўрганаман.

— Айнан ҳозир хаёлингиздан нималар кечмоқда?

— «Саида» ўзбекистонлик ҳар бир хотин-қизнинг сирдош дугонаси бўлиб қолса қанийди...

Суҳбатдош «Халқ сўзи» мухбири Г. ЙЎЛДОШЕВА.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0500, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Э. БОЛИЕВ.
Навбатчи — Н. МУСОМОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.00
1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

Тошкент шаҳридаги бўлимлари бош ҳисобчи бўш лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Номзодлар учун танлов шартлари:

1. Олий иқтисодий билим.
2. Банк ҳисобхонасида камида 5 йиллик иш тажрибаси.
3. Компьютерда ишлаш малакаси.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 1998 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Номзодлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Тошкент ш., «Шаҳрисабз» кўчаси, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, 4-қават, 407-хона.
Тел.: 133-33-78.

Янги фильм

«СЕВГИ»

Яқинда Кинематографчилар уйида намойиш қилинган бадиий фильм ана шундай номланган. Фильмнинг сценарий муаллифлари У. Азим, М. Тўйчиев, И. Эргашев. Режиссёр Исамат Эргашев суратга олган ушбу фильмнинг премьерасига келган томошабинлар турлича таассуротлар билан қайтди.

Асосий ролларни таниқли актёрлар Мурод Ражабов, Эркин Комиловлар ижро этган. Илк бор суратга тушган Зокир Қурбонназаров ва Камола Умархўжаевалар образларни ҳавас қилса арзигулик ўйнаган.

Ушбу фильмнинг яратилиши учун жуда катта меҳнат сарфлангани аниқ. Лекин тилимнинг учида турган бир гапни айтмасам бўлмайди. Бир эпизодда қаҳрамонимиз қўшни аёлга раҳми келиб унинг эрига бир мушт туширади. Зарба кўзи аралаш юзига берилади. Жабрдийданинг бурнидан тирқираб қон кетди. Лекин кейинги куни... бир кўзи кўкариб юради.

Яна бир фикр. Абдураҳмон хизмати давомида наҳотки дўстларига хат ёзмади? Кўнгил бергани Салимага-чи? Агар у билан хат ёзишиб турганида беозор қиз беҳудага сакқиз йил кутмаган бўлармиди?!

А. ЖЎРАЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

41.56.04